

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП  
ТОШКЕНТ ШАҲАР  
КОМИТЕТИ ВА  
ТОШКЕНТ ШАҲАР  
СОВЕТИНИНГ  
ОРГАНИ

Кеча Ватанимиз пойтахти Москвада Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди.  
Пленумда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳаси, партия Уставига киритиладиган ўзгартишлар ҳақида, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларининг лойиҳаси тўғрисида доклад қилди.

## Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1985 йил 15 октябрда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлди.

Пленум қуйидаги масалаларни муҳокама қилди:

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳаси тўғрисида.

КПСС Уставига киритиладиган ўзгартишлар ҳақида.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларининг лойиҳаси тўғрисида.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев шу масалалар юзасидан доклад қилди.

Доклад тексти матбуотда эълон қилинмоқда.

Пленумда доклад юзасидан музокараларда: Украиня Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. А. Титаренко, КПСС Москва шаҳар комитетининг иккинчи секретари Р. Ф. Дементьева, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Ю. Ф. Соловьев, «Правда» газетасининг бош редактори В. Г. Афанасьев, КПСС Омск область комитетининг биринчи секретари С. И. Манякин, приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқариш системалари министри М. С. Шкабардия, С. Оржоникидзе номидаги Урал оғир машинасозлик заводининг тоқари А. М. Королев, Қозғистон Компартияси Кустанай область комитетининг би-

ринчи секретари В. П. Демиденко, Арманстон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. С. Демирчян ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумининг муҳокамасига тақдим этилган ҳужжатларни маъқуллади ва КПСС XXVII съезидан олдин ўтадиган партия йиғилишларида, конференцияларида ва иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларида муҳокама этиш учун, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларининг лойиҳасини эса меҳнат коллективлари, ўқув юрталари, ҳарбий қисмлар ва жамоат ташкилотлари йиғилишларида ҳам муҳокама этиш учун

шу ҳужжатларни эълон қилишга қарор берди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Пленум ўртоқ Н. В. Тализининг КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоллигига кандидат этиб сайлади.

Пленум ўртоқ Н. И. Рижков СССР Министрлар Советининг Раиси этиб тайинланганлиги муносабати билан уни КПСС Марказий Комитети секретари вазифасидан озод қилди. Ўртоқ Н. А. Тихонов соғлиги ёмонлашганлиги сабабли пенсияга чиққанлиги муносабати билан уни КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси вазифасидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

### КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори

## КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, КПСС Уставига киритиладиган ўзгартишлар, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳалари тўғрисида

КПСС Марказий Комитети Пленуми КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, КПСС Уставига киритиладиган ўзгартишлар, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаларини, шу масалалар юзасидан КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг докладини муҳокама этиб, қарор қилди:

1. КПСС Марказий Комитети комиссияси тайёрлаган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳаси маъқуллансин.
2. КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси тақдим этган КПСС Уставига киритиладиган ўзгартишлар лойиҳаси маъқуллансин.
3. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаси маъқуллансин.

4. Мазкур ҳужжатлар партияда, меҳнат коллективларида, мамлакат аҳолисининг фоят кенг қатламларида муҳокама этиш учун матбуотда эълон қилинсин.

5. Иттифоқдош республикаларнинг Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетлари мазкур ҳужжатларни партия йиғилишларида, КПСС XXVII съезди олдинда ўтадиган конференцияларда ва иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларида, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаси эса меҳнат коллективлари, ўқув юрталари, ҳарбий қисмлар ва жамоат ташкилотлари йиғилишларида ҳам муҳокама этишни уюштирсинлар.

6. КПСС Марказий Комитети янги таҳрирдаги партия Программасини, КПСС Уставига киритиладиган ўзгартишларини, Асосий йўналишларини муҳокама этиш, пропаганда қилиш ва тушутириш

соҳасидаги ишлар амалий, ишчанлик характерида эга бўлиши, меҳнат коллективлари олдида турган конкрет жорий ва перспектив вазифалар билан маҳкам боғлаб олиб борилиши керак, деб ўқтиради. Ишлаб чиқаришни интенсификация, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, тежамкорлик режими кучайтириш, барча участкалари уюшқоқлик ва иттифоқчи ошириш, иш устулини такомиллаштириш масалалари диққат марказига қўйилиши керак. Съездолди ҳужжатларини муҳокама этишда коммунистлар ва партиясизларнинг манфаатдорлик билан актив иштирок этишини таъминлаш муҳимдир. Ҳар бир совет киши партиянинг программаси мақсадлари ва вазифаларини, ички ва ташқи сиёсатини моҳиятини яхши билиб олишига, жамиятни социал-иқтисодий ривожлантириш тубдан жадаллаштиришнинг объектив зарурияти халқ фаровонлигини оширишнинг, социалистик Ватан қураётгани мустаҳкамлашнинг, унинг тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун муваффа-

қиятли курашининг асоси эканлигини чуқур тушуниб олишига эришиш лозим.

КПСС Марказий Комитети шунга қатъий ишонч билдирадики, КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, КПСС Уставига киритиладиган ўзгартишлар, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси юксак ташкилий ва гоёвий-сийёсий савияда ўтади, партия ва бутун халқ таърибаси билан бойинган, илмий асосланган тақлифларнинг съездгача ишлаб чиқилишига ёрдам беради, 1985 йилги давлат ланлар ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш, ўн иккинчи беш йилликни гайрат-шижоат билан бошлаб юбориш ва КПСС XXVII съездининг муносиб кутиб олиш учун курашда меҳнаткашларнинг ижодий ташаббускорлиги ва активлигини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

## КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВнинг доклади

Ўртоқлар!  
Биз КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаларини, шунингдек КПСС Уставига киритиладиган ўзгартишларни кўриб чиқишимиз лозим.  
Бундан — жуда катта сийёсий аҳамиятга молик ҳужжатлардир. Уларда гал бизнинг программаси мақсадларимиз ҳақида, партия бош йўли, унинг иқтисодий стратегиясининг энг муҳим масалалари ҳақида, тарихнинг кўп жиҳатдан — ҳам ички, ҳам халқаро жиҳатдан бўрилиш характерида эга бўлган ҳозирги, бениҳоя мураккаб ва масъулиятли даврда омма орасида ишлаш формалари ва методлари тўғрисида боради.

КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми, сўнгра фан-техника тараққиёт масалалари юзасидан ўтказилган кенгаш жузуда келган вазиятни батафсил таҳлил этиб берганлиги, мамлакат социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришнинг ва шу асосда совет жамиятининг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришишини муфассал концепциясини ўртага қўйиб, асослаб берганлиги сизларга маълум. Ишнинг маъзи мана шундан иборат, проблемаларимизнинг бутун моҳияти мана шундан иборат.

Бугун партиямиз халқ олдида жадаллаштириш концепциясини баён этиб бермоқда, шу концепция билан у навбатдаги XXVII съезда бормоқда. КПСС Марказий Комитетининг ушбу Пленуми муҳокамасига қўйилган учала ҳужжатнинг ўзига мана шундан иборат. Мамлакат социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш совет кишиларининг тинчлик шароитидаги моддий ва маънавий жиҳатдан бой, социал жиҳатдан ишқин турмушини таъминлаб бериши, социалистик тузум тимсолида тарихан янги тизмдаги цивилизациянинг имкониятларини ва афзалликларини янада тўлиқроқ ва ёрқинроқ очиб бериши лозим.

Авалло XXVI съездининг топшириғига мувофиқ тайёрланган КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси ҳақида. Бу ҳужжат устида жиддий, батафсил ишлаш жараёнида босиб ўтилган йўл яқунларини идрок, қилиш, мамлакатнинг бундан буюнги ривожланиши истиқболларини белгилаш билан боғлиқ бўлган ҳам назарий, ҳам сиёсий характердаги мураккаб масалалар пайдо бўлди.  
Кейинги чорак аср мобайнида мамлакатимизда объектив характердаги жиддий иқтисодий ва социал силжишлар бўй берди, биз буни кўриб турибмиз. Бу силжишлар қандалик ва узоқ муддатли мақсадларни чуқур таҳлил этишни, аниқлашни, шу мақсадларга эри-

ли партия программасининг алоҳида пунктлари ва формулаларининг таъниб қилиниши жуда табиий ва зарурдир.

Биз мана шу ишнинг ҳаммасида Лениннинг партия Программасини тузиш принципларига амал қилиб иш тутдик. У ҳақиқий жадаётнинг аниқ формулировкаси бўлиши, асосий фикрларини, сийёсий вазифаларини аниқ баён этиши, ортиқча тафсилотлардан, асосиз фантазиядан ҳам, шунингдек китобий ҳикматлардан, таърифбозликдан ҳам холи бўлиши лозим. Программа — партия ниямлари эришмоқчи ва ниямлар учун курашмоқчи эканлиги тўғрисидаги раъшан ва аниқ баёнотдир.

Марказий Комитет Сийёсий бюроси тақдим этилган ҳужжат умуман шу талабларга жавоб беради, деб ҳисоблайди. У марксча-ленинча назарияга, мамлакат ичкарисида ва жаҳон майдонига содир бўлаётган жараёнларни реалистик таҳлил этишга асосланади, партия, Совет давлати, бутун халқ ишининг стратегия йўналишларини мамлакатни ривожлантиришнинг коммунистик истиқболни кўзлаб аниқ ва муфассал таърифлаб беради.

Партиянинг Учинчи Программаси ҳозирги таҳририда — социализмни плано равишда ва ҳар томонлама такомиллаштириш, совет жамиятини мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш жадаллаштириш негизда

ифодаловчи формула — мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг жадаллаштириш орқали — совет жамиятининг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришишга интилишдан иборат.

Программа жамият ривожланишида экономиканинг ҳал қилувчи ролига асосланади. Партиянинг иқтисодий стратегияси фан-техника тараққиётини янада чуқурлаштириши эътиборга олиб белгиланади. Бу стратегия чинакам тарихий миқёсдаги ўзгариш — халқ ҳўжалигини янги техника асосида реконструкция қилиш, совет ривожланишининг интенсив изларига кўчирини, совет экономикасини ташкил этиш ва самарадорлигининг янги прогностига чўнқариш мақсадини кўзга қаратади. Мана шундан ҳаммаси инсон манфаатларига, инсоннинг бахт-саодатига хизмат қилади.

Социал соҳага анча кўп эътибор берилган. Партиянинг инсон ҳаётининг унинг меҳнат ва турмуш шароитларидан, соғлиги ва бўш вақтининг ташкил этишдан тортиб то социал синфий ва миллий муносабатларгача бўлган бутун борлигини ўз ичига оладиган қучли социал сийёсатга эга бўлиши керак. Ленин социал масалаларга, фан ва маданиятга эътибор бериш заруриятини ҳақида гапириб, бундай деб ёзган эди: «Бу энг яхши сийёсат бўлади, бу ҳўжаликни жуда тежаб олиб бориш бўлади. Акс ҳолда биз бир неча юз миллионни тежаганимиз ҳолда шу қадар кўп нарса йўқотишимиз мумкинки, уни талай миллиардлар сарфлаганимизда ҳам тиклаб бўлмайди».

(Давоми иккинчи бетда.)





